



СУД ТИББИЁТИ АМАЛИЁТИДА ИНСОННИ ҚОН ГУРУХИНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ

Г. К. Акбарова

М. А. Хасанова

Тошкент давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон, Тошкент
e-mail m.xasanova71@gmail.com

Аннотация

Суд тиббиёти амалиётида ашёвий далиллардаги қон доғларини текширганда, тур ва гуруҳий мансублиги аниқланади. Бунинг учун турли хил ингредиентлардан фойдаланилади: изогемагглютинловчи зардоблар альфа ва бета, гетероиммун зардоблар анти-А, анти-В, анти-0(Н). Ҳозирги вақтда суд-тиббиёт экспертизасининг долзарб вазифаларидан бири объектнинг минимал миқдорини текшириш пайтида тўғрисида максимал маълумот олишдир.

Кириш: Суд тиббиётида ашёвий далилларни текширишнинг асосий қисмини қон доғи экспертизаси ташкил этади. Зеро, улар содир этилган жиноятнинг объектив тасдиғи бўлиб хизмат қилади. Қон доғлари жиноятчи ёки жабрланувчи ҳақида маълумотга эга бўлиш ва айбдорни аниқлашга имкон яратади. Ашёвий далиллар суд-тиббий экспертизасининг АВ0 тизими антигенларини аниқлаш масаласи билан боғлиқ бўлмаган бирон-бир текширув объекти йўқ. Шунинг учун АВ0 тизими гуруҳларини аниқлашнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш ушбу тизим гуруҳспецифик моддаларининг хусусиятлари ва хослигини чуқур ўрганишни талаб этади. Суд тиббиёти амалиётида тирик шахс ва мурдаларни суюқ қон гуруҳини Шифф, қон доғларини эса агглютининлар абсорбцияси миқдорий модификацияси, абсорбция-элюция тадқиқот усулларида қўлланилади.

Тадқиқотнинг мақсади суд тиббиёт амалиётида инсон қон гуруҳини суд-тиббий аниқлаш усуллари тақомиллаштиришдан иборат.



Тадқиқот материали 2019–2023 йиллар давомида Республика суд тиббиёти илмий-амалий маркази Тошкент филиали суд биологик лабораторияси архивидан олинган мурдаларнинг 22 та қон намуналари фойдаланилди.

Тадқиқот натижаси суд биология бўлими лаборатория мурдаларнинг 22 қон намуналари, шунингдек $O_{\alpha\beta}(I)$, $A_{\beta}(II)$, $B_{\alpha}(III)$, $AB_0(IV)$ гуруҳли маълум қон намуналари ва назоратда (контрол) абсорбция-элюция реакцияси усули билан текширилди. Ушбу тадқиқотда назорат ва гуруҳи маълум қон текширилганда $O_{\alpha\beta}(I)$ гуруҳи қон намунасида фақат анти-Н фитагглютинин билан агглютинация реакцияси кузатилди, унда $O(H)$ антигени аниқланган. $A_{\beta}(II)$ маълум қон намунасида фақат альфа изозардоблари билан агглютинация реакцияси кузатилди, унда А антигени аниқланган. $B_{\alpha}(III)$ гуруҳли маълум қон намунасида фақат бета изозардоблари билан агглютинация реакцияси кузатилди, унда В антигени аниқланган, $AB_0(IV)$ гуруҳли маълум қон намунасида эса альфа ва бета изозардоблари билан агглютинация реакцияси кузатилди, унда А ва В антигенлари аниқланган. Тадқиқот объектларда, яъни қон намунаарида №1,4,5,12,13,15-17 объектлар фақат бета изозардоблари билан агглютинация реакцияси кузатилди, унда В антигени аниқланган. Тадқиқот объектларда №2,6,8,14,18 фақат анти-Н фитагглютинини билан агглютинация реакцияси кузатилди, унда $O(H)$ антигени борлиги аниқланган, демак, бу қон $O_{\alpha\beta}(I)$ гуруҳли шахслар қонидан келиб чиқиши мумкинлиги кўрсатади. Тадқиқотнинг №3,7,9,19,21 объектлари фақат альфа-А изозардоби билан агглютинация реакцияси кузатилди, демак, бу эса $A_{\beta}(II)$ гуруҳли шахслар қонидан келиб чиқиши мумкинлиги кўрсатади. Тадқиқотнинг №10,11,20,22 объектларида альфа ва бета изозардоблар билан агглютинация реакцияси кузатилди, унда А ва В антигенлар борлиги аниқланган, демак, бу $AB_0(IV)$ гуруҳли шахслар қонидан келиб чиқиши мумкинлиги кўрсатади. Қонларни гуруҳий мансублигини аниқлаганимизда бунда фақат антигенлар А,В, $O(H)$ ва альфа ва бета агглютининлар аниқланади, суд тиббий текширув натижалари асосида текширувга тақдим қилинган номаълум шахс мурдалардан олинган қонларида аниқланган тегишли антигенлар ва



агглютини́нлар ҳақида маълумот берилади ва қайси қон гуруҳи ҳослиги суд биологик экспертиза хулосасида қайд этилади.

Хулоса

Суд тиббиёти амалиётида инсонни суюқ қонларни АВ0 тизими бўйича Шифф усули, ҳамда доғларда гуруҳий мансублигини агглютиногенларни аниқлаш усуллари: агглютини́нларни микдорий абсорбция модификация ва абсорбция-элюция реакциясидан фойдаланиш ашёвий далиллардаги қон доғларида гуруҳий мансублигини аниқлаш имконини беради. Шунингдек ашёвий далилларни ўрганиш бўйича эксперт амалиётида янада ишончли ва танлаб олинган усул бўлиб ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Авдеева А.И., Власюка И.В., Нестерова А.В. Обнаружение эклипсных антигенов в трупной крови //В сб.:Избранные вопросы судебно-медицинской экспертизы. Хабаровск, – 2019. – С. 127-131.
2. Адамо П . 4 группы крови - 4 образа жизни. Минск, 2013. 480 с.
3. Барсегянц Л.О. Современное состояние судебно-медицинского исследования вещественных доказательств в пути развития //Судебно-медицинская экспертиза. – 2004. – №4. – С.54-57.
4. Белопухов В. М. Распределение групп крови среди доноров Республики Татарстан // Казанский медицинский журнал. – 2016.- № 3. – Т. 96. – С. 437-440.
5. Гильмиярова Ф.П., Радомская В.М., Шахнович Е.А. и др. Метаболический профиль 0(I) - АВ(IV) групп крови // Медицинский альманах. – 2012. – №1 (20). – С.174-178.
6. Головкина Л.Л., Каландаров Р.С., Стремоухова А.Г. и др. Дифференциация подгрупп А1 И А2 антигена А системы АВ0 : биологическая 9 основа и серологическая стратегия// Гематология и трансфузиология. – 2019. – Т. 64. – № 4 . – С. 504-515.
7. Дорофеева М.С. Современные возможности использования биологической экспертизы при расследовании преступлений //деятельность



-
- правоохранительных органов на современном этапе: наука, образование, практика. – 2021. – С. 235-237.
8. Каландаров Р.С., Головкина Л.Л., Васильева М.Н. и др. Генотипирование групп крови систем А В О и резус у пациентов после множественных гемотрансфузий // Онкогематология. – 2017. – №2. – С. 70-79.
 9. Иванов П.Л., Клевно В.А. Судебно-биологическая экспертиза - реалии и перспективы // Суд-медицинская экспертиза. -2008;- №1.- С.19 –24.
 10. Исакова, М. В., Миронова, Е. А. Актуальные проблемы при выявлении, фиксации, изъятии и исследовании следов биологического происхождения // Синергия наук. 2018. № 24. С. 955–96.
 11. Конон А.В. Судебно-медицинская экспертиза следов биологического происхождения // Евразийский Союз Ученых (ЕСУ). Юридические науки.- 2016.- №30.- С.63-64.
 12. Пышнограева К.Г. Новые технологии при определении групп крови //Вестник клинический больницы №51.- 2010.-С.62-63.